
РИШТОНДА 48 НАФАР БОЛАНИНГ СУННАТ ТҮЙИ ҲТКАЗИЛДИ

Риштон туманида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан туманда истиқомат қилувчи “Темир дафар”га киритилган фуқароларнинг 48 нафар болаларига суннат тўйи ўтказиб берилди.

Ушбу хайрли тадбир вилоят ва туман ҳокимликлари, тумандаги секторлар, “Вақф” хайрия жамоат фонди вилоят филиали ҳамда туман мактабгача таълим бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров таълим соҳасининг, ёшларга ва болаларга эътиборнинг Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда асосий ўрин тутаётганини қайд этиб, бугун тўйлари ўтказилаётган болалар орасидан келгусида етук фидойи инсонлар етишиб чиқишига ишонч билдирди.

Вилоят раҳбари, бугунги давлат сиёсатида аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш, жамиятда ўзаро ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ҳамда хайр-саҳоват муҳитини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда туман ҳокими Суфхонжон Солиев, туман секторлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этишди.

Тўй болаларнинг ҳар бирига бош-оёқ сарпо ва велосипед совға қилинди.

Шунингдек, “Вақф” хайрия жамоат фонднинг вилоят филиали томонидан тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи 100 нафар чин етим ва ногиронлиги бўлган болаларга ҳам қимматбаҳо совғалар тарқатилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-06-01 15:11:06